

## ВАТАННИ УЛУҒЛАГАННИ ХАЛҚ АРДОҚЛАЙДИ



**ҚАСИМ-ЖҮМАРТ ТҮҚАЕВ МИЛЛИЙ ОЛИМПИЯ  
ҚҮМІТАСЫ ПРЕЗИДЕНТИ ГЕННАДИЙ  
ГОЛОВКИННИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ**

Президентта Миллий олимпия құмітасы томонидан амалға оширилган ишлар ва унинг галдаги режалари ҳақида маълумот берилди.

Геннадий Головкин спорт инфратизилмасини яхшилаш, қозғыстонник спортчиларни халқаро мусобақаларга пухта тайёрлаш, мамлакатимизнің халқаро майдондаги нуғузинің юксалтириш юзасидан саноат вазирилиги билан ҳамкорлықда амалға ошириләттеган чора-табдирлар ҳақида фикр билдири.

Давлат раҳбари Геннадий Головкин Халқаро бокс федерациясы (World Boxing) Олимпия комиссиясы раиси этиб тайинланғаны билан табриклаб, МОҚ олдига олимпия спорт турларини оммалаштырыш ша мустахмалаш юзасидан мұхым вазифалар күйилганини тақылдады.

Давлат раҳбари терма жамоаларимизнің нұғузли спорт мусобақаларыда қоюори натижаларға еришишини таъминлаш зарурлугини айтты.

Akorda.kz. маълумотлари асосида.

## “САНОАТ МАЖМУАСИ”ДА ТҮҚИМАЧИЛИК КОРХОНАСИ БАРПО ЭТИЛАДИ

ҚР Ҳукумати йигилишида Қозғыстоннинг Савдо ва интеграция вазири Арман Шаққалиев Ўзбекистон билан чегарадаги “Марказий Осиё” халқаро ишлаб чиқарыш кооперациясы марказининг “Саноат мажмұаси”да түқимачилик корхонаси барпо этилишини маълум қилды.



— Марказ “Атамекен” (Қозғыстон) ва “Гуллистон” (Ўзбекистон) назорат-ўтказиш бекатлари яқында жойлашган, ишлаб чиқарыш майдончалари, сақлаш омборлари, транспорт инфратизилмасидан иборат. Бу юк ташишни теззаптириш, логистика хараждатларини камайтириш, таъминот занжирине иштироккүлдерине сонини камайтириш, якунны мікоз учун маҳсулот таннаххини пасайтириш, етказбі беріш тезлигінен ошириш имконини беради, — деди Арман Шаққалиев.

Шунингдегі, вазир марказ базасыда “Global Textile” компаниясынинг тайёр түқимачилик лойхасы амалға оширилши маълум қанды.

— “Марказий Осиё” халқаро ишлаб чиқарыш кооперациясы марказининг ташкил этилиши чегарага якын давлатлар билан ўзаро савдо-иктисодий алоқаларни янада ошириша икінші таъсир күрсатады, иккі давлат ишлаб чиқарувчилары таудиорларда ўртасидагы ишбильарменлик алоқаларини рабbatлантирады. Ўз навбатда, бу якын 5 йилда товар айрбашлаш ҳажмини 10 миллиард долларларга етказиш имконини беради, — деди вазир.

## ХИРМОН ТҮЛИБ ТҮКИЛДИ ДОН

### 12 МИЛЛИОН ТОННА ФАЛЛА ЭКСПОРТ ҚИЛИНАДИ

Қозғыстон жорий йилда 12 миллион тоннаға экспорт қилауди. Бу ҳақда ҚР Баш вазир үринbosары Серик Жұманғариннинг парламент депутатлары саволыға берган жавобида айтildи.



Хұкумат раҳбари үринbosарининг маълум қилишича, жорий йилнинг 11 ойи якуні бүйічі “Қазақстан темір жолы” миллий компаниясы томонидан 9,2 миллион тоннаға фалла ташилған.

— Унинг 2,2 миллион тоннасы мамлакатимизде қолди, 7 миллион тоннасы экспорт қилинди. Яғни екіншілар экспорті (сентябрь-ноябрь) 2 миллион 871 минг тоннаны ташкил этті. Бу 2023 йилнинг шу давырга (1 миллион 907 тонна) нисбатан 51 фоизга күп, — деди Серик Жұманғарин.

## ҚИШКИ ТАЪТИЛ ЯҚИН

Иккінчи чөракнинг охирі яқынлашықда. Қозғыстон мактабларыда қишки таътил 10 тақвим күн – 2024 йил 30 декабрдан 2025 йил 8 январгача давом этады. Бу ҳақда ҚР Таълим-маориф вазирилиги матбуот хизматы хабар беради.

Мактаб үкүвчилари қишки таътилні мазмұнлы ва хавғыз үтказашпари учун “Ягона тарбия” дастури доимрасыда чора-табдирлар режаси ишлаб чиқылған бўлиб, ўқув, спорт, маданий ва ижодий тадбирларни ўз ичига олади.

24.kz. маълумотлари асосида.

# Жанубий Қозғыстон

1991 йил 5 апрайдан чиқа бошлаган  
Сешанба, пайшанба ва шанба күнлари чиқады

2024 йил 12 декабрь, пайшанба, №146 (3492).

## ИНСОН МЕХНАТИ БИЛАН ҚАДРЛИ

Давлат раҳбари Қасим-Жұмарт Тұқаев Ақтөбе вилоятінде сафари доира-сіда қатор ишлаб чиқарыш корхоналары ва ижтимоий соҳа мұассасалари фаолияти билан яқындан танишиди.

Дастлаб Президент Хромтау шаҳридаги “Болашақ” конига бориб, унинг жамоаси билан мулоқтода бўлди.

Давлат раҳбари янги корхонада 1800 иш ўрни яратилиши ҳақида маълум қилинди. Жалб қилинган сармоя миқдори 1 триллион тенгедан ошади.

Сүнг К. Тұқаев Хромтау олий тог-кон техника коллежига ташриф буюрди. 1979 йилда ташкил этилган касб-хунар таълими мұассасаси ҳозирда мамлакат гарбидаги тог-кон саноатини кадрлар билан таъминловчи ягона мұассаса. Таълим даргоҳида Қ. Тұқаев талабалар ва битирувчилар билан учрашиди.

Президент тог-кон саноати мамлакатимиз иқтисоддітінинг мұхым бүгінни эканлығынан ва “Ишши касблари ыили” деб эълон килинган 2025 йилда махаллий саноатни қўллаб-қувватлашга алоҳида ётибор қаратилишини таъкидлайди.

Сүнг Президент Хромтау шаҳридаги 1-сонли ўрта мактабда бўлди.



Давлат раҳбари мазкур таълим даргоҳи ва бошқа қышлоп мактабларida ўқувчиларнинг онлайн шаклдаги очиқ дарсida иштирок этди.

Қасим-Жұмарт Тұқаев оліс аҳоли манзилларида истиқомат

Akorda.kz. маълумотлари асосида.

## ПУХТА РЕЖА – ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Юртимизнинг янада обод бўлиши, халқимиз турмуш фаровонлигининг юксалиши, белгиланган эзгу мақсадларнинг рўйбага чиқиши, энг аввали, қишлоқлар тараққиётига узвий боғлек. Шу боис, қишлоқ аҳолиси ҳаётини янада юксак поғонага кўтариши, қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, унинг самара-дорлигини ошириш долзарб вазифалардан биридир. Вилоят ҳокимлигига ўтган навбатдаги девон йигилиши мана шу мавзуга багишланди.

Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди яйловларни хатлаш, ветеринария ва қишлоқ хўжалигидаги бошқа мұаммоларни ҳал этиш юзасидан мутасадди раҳбарларга аниқ топшириқлар берди.

Ингилишда вилоят ер мұносабатлари ва ветеринария бошқармалари, ер захиралари бибошқармаси, шунингдегі, Республика Қишлоқ хўжалиги вазирилиги Ветеринария назорати ва тағтиш күмітасининг Туркистон вилоятини бўйича худудий нозирлиги раҳбарларининг ҳисобот ва фикр-мулоҳазалари тингланди.

Камчиликлари аниқланган шаҳар ва туманлар ҳокимлариши ишларни фаоллаштириши юзасидан кўрсатмалар берилди.

Вилоят ҳокимининг топшириғига мувофиқ маҳсус иши гурух ташкил этилиб, у қишлоқ хўжалиги мажмусаси, ердан фойдаланиши, ветеринария, тадбиркорлик субъектларига субсидиялар бериш ва солиқларни тўлаш масалаларини таҳлил қилди.

Тадқиқотлар Ўрдабоши, Ўтрор, Сайрам, Чордара ва Келес туманлари ҳамда Арис шаҳрида юритиди. Натижада, солик тўлашдан бўйин товлаш, чорва молларини ҳисобга олишда берилган нотуғри маълумотлар, ердан самарасиц фойдаланиш ҳолатлари аниқланган.

Ингилишда мутасадди ташкилотларга фойдаланилмаётган ёки Қозғыстон Республикаси қонунчилигини бузган холда фойдаланилаётган қишлоқ хўжалиги ерларини қайтариш борасидаги тадбирларни кучайтириш юзасидан топширилар берилди. Шунингдегі, қишлоқ хўжалиги соҳасига оид статистик маълумотларни мувофиқлаштириш, ветеринария шифокорларининг малакасини ошириш ҳамда уларнинг масъулиятини кучайтириш, чорва молларини ҳисобга олишда йўл кўйиллаётган хатоларга барҳам бериш зарурлиги таъкидланди.

— Ҳукумат қишлоқ хўжалигини бошқарышни рақамлаштириш масаласини кўтариши. Бу борада кенг қарорлар ишлар олиб борилиши зарур. Қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш соҳасини молиялаштириш лойиҳалари ва манбалари юзасидан таклифлар ишлаб чиқилиши керак, — деди мажлисга якун ясаган минтақа раҳбари.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



### • Обуна-2025

## «Жанубий Қозғыстон» – ДОНО ДЎСТИНГИЗ, ҲАМКОРИНГИЗ!

### Қадрли муштарий!

2025 йилнинг биринчи ярим йиллигига дәверий нашрларга обуна қизғин давом этмоқда.

Мустакиллик билан тенгедosh халқ минбари ва овози, фарҳи саналмиси нашр омма ва давлат ўртасидаги олтин кўпrik – доно маслаҳатгўй вазифасини ҳалол

ва вижданан адo этмоқда. Ҳамиши шундай бўлиб қолади.

Маънавий жиҳатдан юксалиб, қамолот сари интишмок истасанғиз, кун сайн вилоят янгилукларидан воказиф бўлмоқни ихтиёб айлаб, оламшумул воқеалардан боҳабар бўйлай дессанғиз, њеч иккапланмай суюкли «Жанубий Қозғыстон» рўзномасига ёзилинг.

Туркистон вилоятининг «Жанубий Қозғыстон» ижтимоий-сійесій газетаси таҳририятида рақобатбардош, излануевчан жамоа доим сизларнинг орзуингиздаги жиҳатларга эътибор қаратишага, маънавий ҳизмат кўрсатишга шай.

6 ойга обуна баҳоси:  
«Қазпошта»  
ҲЖ орқали –  
3415,50 тенге;



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 65466

»» Заковатли мактаб



## 29та “БАДАСТИР МАКТАБ” ҚУРИЛМОҚДА

Вилоятимизда “Бадастир мактаб” миллий лойиҳаси доирасида барпо этилаётган 29та таълим маскани яқинда фойдаланишга топширилади.

Хозир минтақада 29та шундай мактаб барпо этилмоқда. Уларда 20 мингдан зиёд ўқувчи таълим олади. Лойиҳалар Президент ташаббуси доирасида амалга оширилмоқда.

Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди мутасадди раҳбарларга қурилиш ишларини хонлантириши топшириди.

Мажлисда қишлоқ ва

шаҳарларда ягона лойиҳа асосида қурилаётган мактаблар тўғрисида “Samruk-Kazyna Construction” ХЖМЛ лойиҳани амалга ошириш департаментининг

вилоятимиздаги раҳбари Сакен Аширбаев маъруза қилди.

Бундан ташқари, мажлиса пудратчиларнинг фикри тингланиб, уларга тегиши кўрсатмалар берилди. Янги мактабларнинг инфратузилмаси бўйича пудратчилардан алоҳида ҳисобот олинди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

## ШИФОКОРЛАР ТАЖРИБА АЛМАШДИ



КР Соғликни сақлаш вазирлигининг Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш департamenti вакиллари Тоҷикистон Республикаси соғликни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя вазирлиги делегацияси билан бирга Туркистон вилоятига хизмат сафари доирасида “1-сонли вилоят перинаталь маркази” муассасаси фаолияти билан танишиди.

Департаментнинг Она саломатлиги бошқармаси раҳбари Шакизат Халиковна, вилоят 1-сонли перинаштал маркази раҳбари Сал-

танат Жабагиева ва бошқа мутахассислар тоҷикистонлик ҳамкаслар билан тажриба алмашдилар.

2024 йил 2 сентябрдан

буён “Бир кунлик клиника” лойиҳаси доирасида вилоядта тиббий-ирсий хизмат кўрсатмода. Лойиҳанинг асосий мақсади – аниқ ирсий ташхис қўйиш. Бу ерда тугма нуқсони бор болаларни эрта аниқлаш ва унинг олдини олиш имконини берадиган янги лойиҳалар амалга оширилади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

»» Қозоғистон Республикаси Мустақиллигига 33 йил



## “ДЎСТИК ЎЙИ”ДАГИ ҲИСОБОТ

Жорий иили март ойида Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси этиб сайланган Райимжон Кўчкоров (тасвирда) йил давомида амалга оширилган ишлар юзасидан “Дўстлик уйи” мажлислар залида ҳисобот берди.

Ушбу ташкилотнинг сермахсул фаолияти газетамиз саҳифаларида көнгёритилмоқда.

Вилоят ижтимоий тараққиёт бошқармаси раҳбари ўрбинбосари Нурсултан Сейтжанов, шаҳар оқсоқоллар гафурияни таъкидлаб, иқтидорли ёш-

ларни “Дўстлик уйи”да доимий ишга таклиф қилди.

Тадбир поёнида анжуман иштирокчилари яқдиллик билан Райимжон Саттор ўғли Кўчкоров раҳбарлигидаги Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси фаолиятига қониқлашди. Келаси йили олтмиш ёни қаршилайдиган, шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси билан бирга “Улес” вилоят хайрия жамғармасига самарали раҳбарлик қилаётган, “Жанубий Қозоғистон” газетасига 200 нусха обунани ташкил этилаётган Р. Кўчкоровга мустаҳкам саломатлик, омад ва зафар тилаймиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.

## МАДАНИЯТ ИНШООТЛАРИ ҚУРИЛИШИ НАЗОРАТДА



Аввал ҳабар қилганимиздек, Кентов шаҳрига қарашли Қарноқ қишилогида 300 ўрнини маданият уйи барпо этилмоқда.

КР Парламенти Сенати депутати Алишер Сотволдиев, Кентов

шаҳар маслаҳати депутатлари Қ. Елеусизов ва Бекзод Ҳабибовлар Қарноқ қишилоги оқсоқоллари иштирокида ишшоот қурилиши билан яқиндан танишидilar. 2025 йили қурилиши тугалла-

нилиши кутилаётган бу кошона қарноқлик санъат ихлосмандлари учун ўзига хос совға бўлиши шубҳасиз.

С. ТУРСУНМАТОВ.

»» ҚР маслаҳатларига – 30 йил!

Жорий иили ҚР маслаҳатларига 30 йил тўлиши муносабати билан Шимкент шаҳрида тантанали тадбир ўтди.

Унда маҳаллий маслаҳатларнинг жамиятимиздаги ўрни эътироф этилиб, давлатимизнинг ижтимоий-сиёсий, маданий тараққиётiga хисса қўшган бир гурӯҳ ҳамюрларимиз “Маҳаллий ваколати орғанларнинг ривоҳига қўшган ҳиссаси учун” кўкрак нишони билан тақдирланди.

Улар орасида миллатдошларимиз – Қозоғистон ўзбеклари “Дўстлик” ҳамжамияти раиси Икромжон Ҳошимжонов, Шимкент шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Тоҳиржон Нишонбоеев, таникли тадбиркор, Шимкент шаҳрининг фахрий фукароси Абдуқажҳор Файзахмедов ва меҳнати фахрийси, эл оғаларидан бири Ҳусанхон Аҳмадхонов бор.

С. ТУРСУНМАТОВ.

## МУНОСИБЛАР МУКОФОТЛАНДИ



## ИЛГОРЛАР ТАҚДИРЛАНДИ



“Ёшлар имконият маркази” ташаббуси билан “Йил етакчилари” лойиҳаси доирасида ҳар бир соҳанинг пешқадамлари аниқланниб, “Энг яхши ёшлар мукофоти – 2024” танловининг тақдирлаш маросими ўтди. Мазкур танлов турли соҳаларда ўз билими, иқтидори, фаоллиги билан ёшқилларни забт этган ёшларни рағбатлантириш мақсадида ташкил этилди.

Тадбирни вилоят ҳокимининг ўринбосари Ертай Алтаев очар экан, ёшларнинг ютуқлари ва уларнинг жамиятдаги аҳамияти ҳақида илқи фикрлар билдирилди. Шунингдек, ёшларнинг меҳнатсанварлиги ва интилишларини юксак баҳолади, ҳар бир соҳада энг яхши кўрсаткичларга ёринган ёшларга муваффақият тилади.

Шу билан бирга, “Энг яхши ёшлар имконият маркази” номинацияси бўйича совин Кентов шаҳар ва Келес ҳамда Саврон туман “Ёшлар имконият маркази”га топширилди. “Энг яхши ёш муаллим” номинациясига байдибеклик Закария Сер-

ишининг ётук соҳибларини кутлаб, эзгу ниятларини изкор қилди. “Энг яхши тадбиркор” номинацияси бўйича тўлебийлик Байдибек Нурланули тақдирланди. “Энг яхши ўқувчи” номинацияси эса сариоғочлик Жансерин Жақсабайулуга наисб этиди. Шу сингари “Энг яхши саҳиқ қалб” номинацияси туркестонлик Таншолпан Бекбауова, савронлик Элзод Мавленонога наисб этиди.

Бундан ташқари, телебошловчи, журналист Лайла Султанзиҳамананча унвонларни соҳибларига топшириди, шу жумладан, “Энг яхши ёш оқин” номинацияси туркестонлик Даурен Тлеуханга, “Энг яхши ёш муҳбири” сариоғочлик Майра Жумабек кизига топширилди. Шунингдек, “Энг яхши ёш актёр” номинацияси аристик Мансар Уринханга топширилди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



## Зейнеп АХМЕТОВА: ОНГДА - ИМОН, ТИЛДА - ҲАҚИҚАТ, ДИЛДА - ЭҮТИҚОД УСТУВОР БҮЛСИН!



Түлебий туман маданият уйида "Аждодлар омонати" мавзууда жамоат арбоби Зейнеп Ахметова билан ижодий учрашув үтди. Адабий кечада юртимизда адабиётта қаратаптаган юксак эўтибор, жамиятда рўй берадиган ўзгаришлар, адабий анъаналар ва ижод сирлари ҳақида сўз борди.

3. Ахметова – таникли ёзувчи, миллӣ анъаналар тарбиботчи. У машҳур саркарда ва Совет Иттифоқи қархамони Бауржан Мўмишулининг келини, ёзувчи Баҳиткан Мўмишулининг рағибаси. «Шуақты қундер», «Балбарал аманаты», «Кўретамъ» ва бошқа китоблар муаллифи. Тадбирда сўз олган адаби мавнавият инсонни рұҳан покланиш, қалбан улгайшига чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини кучли, иймон-эўтиқодини бутун қиласидиган, вижонуни уйғодадиган бекиёс куч-кудрат эканлигини, ёшлар қалбидаги ватанпарварлик, урф-одат, анъаналарга меҳр-садоқат туйгуларни шакллантириш зарурлигини таъкидлadi.

– Ёшлар тарбиясида маънавиятнинг ўрни бекиёс. Болаларни ёшлик чигидан эўтиборан миллӣ тарбия, юксак даражадаги ахлоқ-одоб, маънавият асосида вояяга етказиш биз учун доимо долзард аҳамият касб этиб келган. Бу маъсалага жиддий эўтибор қаратмаслик нафақат айрим ота-оналар, балки бутун жамият учун жуда қимматта тушишини ҳам кўпгина ҳайтий мисолларда кўриш мумкин. Ўзаро меҳр-окибат, ахиллик ва тотувлик, ёрдамга муҳтоҷ кимсалар ҳолидан хабар олиш, тўй, ҳашарларни кўпчилик билан

**А. АБДУФАТТОХ.**

### »» Табриклаймиз, қутлаймиз!

## Шоир шоғирдимга тилакларим

1964 ийл 1 марта эўтибонан, Кўшкўргон қишлоғидаги бошланғич мактабда меҳнат фаолиятимни бошладим. Мактабда дастлаб биринчи синфдан бешинчи синфгача, сўнг 6-, 7-, 8-синфлар очилиб, саккиз йиллик ўрта мактабга айланди. Биз мактабда бор-йўғи беш ўқитувчи ишлардик.

Улар Жўраш Аҳмедов, Зайнан Исоков, Абдуносит Абдикаримов, Шамиш Аседова, Эртой Ҳамидов. Жўраш Аҳмедов директор бўйл газетни. Маколамиз қархамони Поччахон Бобоҷонов ўшанда тўртичин синф ўқувчиси эди. Мактаб саккиз йиллик бўлгач мен 5-8-синфларга тарих ва мусикадан дарс бердим. Поччахон Бобоҷонов бешинчи синфдан бошлаб, шеър ёзиш, адабиёт ва мусикага жуда қизиккан ўқувчилардан бўлди. Айниқса, мусикага қизикини кучли эди. Мен билан бирга жўр бўлиб, руబоб, доира чалип, кўшиқлар айти бошлади. Айниқса, колхозчилар мажлисида "Оқладар" ва "Лайло" кўшиқларини маромига етказиб, ижро этгани ҳали эсимда.

Поччахон Бобоҷонов 1968 ийли тўлиқисиз "Кўшкўргон", 1971 ийли Ўрангай қишлоғидаги Мухтар Аюзов номли ўрта мактабни тамомлайди. Шимкент шаҳрида махсус курсни тамомлагач, она қишлоғида клуб мудири бўлиб



ишлади. Кўплаб ёшларни мусикага қизиктириди. Поччахон шоғирдимнинг шеърлари "Жанубий Қозоғистон" газетасида чоп этилмоқда. "Муҳаббат ташвишлари" ҳамда "101 шеър ва дoston" китоблари нашрдан чиқарди. Келгуси йилда 70 ёшлини қаршилаидиган шоир шоғирдим Кўшкўргон қишлоғи тарихига багишланган китоб ёзини бошлади. Мен шоир шоғирдимни таваллуд куни билан чин юракдан табриклайман. Келлиним Моҳира билан кўша-қарип, неварава, эвара, чевараларининг қизигини бирга кўришини Аллоҳ наисб этишини тилайман.

**Обиддин ФАХРИДДИНОВ,  
Туркестон шаҳрининг  
фаҳрий фуқароси.**

**Тасвирда:** Обиддин Фахриддинов (чапда) шоғиди Поччахон Бобоҷонов билан.

### »» Янги Қозоғистон бунёдкорлари

Вилоят ижтимоий тараққиёт бошқармаси "Ҳамоат тотувлиги" ДККнинг ташабbusи билан туманларга уюштирилалтган матбуот сафари орқали қанчадан қанча меҳнат одамлари, ишбилармон ҳамда саҳоватли тадбиркорларни кашф этाटганимизни тасаввур қиласеринг. Ҳалқимизга меҳнаткаш ҳамортуларимизни танишириш мақсадида Тўлебий тумани Хонариқ қишлоғига отландик. У еринг аҳолиси ҳақиқатан ҳам меҳнатсевар, вақтдан унумли фойдаланиб, нафақат ўзининг хонадони фаровонлигини ошираётганига, балки, янги иш ўринларини яратиб, ҳамқишилоқларига ҳам яхши шароитлар тақдим этाटганинг гувоҳи бўлдик.

## ТИНИБ-ТИНЧИМАГАН ОДАМЛАР

Маъруфжон Юсупов Хонариқ мактабида муаллимлик билан бирга ишбилармонлини ҳам ўйлга кўйиб улгурган устозлардан экан. Ўзи бошланғич синф муаллими, 1-синф ўқувчиларининг синф раҳбари. Устозларнинг ишбилармонликни ҳам улгургаётганига эса ҳавасимиз келди.



– 2018 ийли "Ырыс Ҳан Агро" қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарни ташкил этиб, раислик қўлимоқдаман. Ширкатда қарийб 100 нафар аъзомиз бор. Дёярли барча ҳамқишилоқларимизнинг хонадонида сигир согилиди ва 1,5 тонан сут жамланади. Уни қайта ишлаб, Сайрам туманидаги сут цехларига етказиб берамиш. Ёзда қишлоқ аҳолиси ўзимизнинг маҳсулотдан тайёрлаган музказимоқ, кўжа ва куртни истемол килишади. Буюртма бўлса, уни ҳам ишлаб чиқараверамиш. Аҳолидан 200 тенгедан ҳарид қылган маҳсулотимизни сут цехларига 220 тенгедан ўтказамиш, улардан, асосан, пишлиқ тайёрланади.

– Бошланғич синфларда дарс берар экансиз, бу ишга қандай улгуряпсиз? – Бир йигитга қирқ ҳунар ҳам оз. Шу бойис ҳамқишилоқларимизни ҳам бу ишга жалб этидик. Мактабдаги фаолиятимга тўхтальсан, истак бўлса, барчасига улгурши мумкин. 17 йилдан бўйн муаллимлик қиласиди. Ҳозирги кунга қадар бирон бир насиясиз ишимиши бошладик. Қўшимча 30 сўтих ер ажратиб беришса, фаолиятимизни янада кенгайтириш ниятидамиш.

Маъруфжон Юсуповга қўшни хонадонда истиқомат қиласидан Сардор Турсунбоеў ҳам хонадонида устахона оғчагига 3 йил бўялти. Қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатадиган тадбиркор ишидан мумнун.



– Устахонамизда 5 киши меҳнат қиласиз, – дейди С. Турсунбоеў. – Ҳамқишилоқларимизнинг, қўшни қишлоқлардан олиб келинган автомашиналарни таъмирлаймиз. Махсус ускуналаримиз билан янги услубда пайвандлаш усуслини кўллаб, хизмат кўрсатапмиз. Мактабни тамомлабдан сўнг устозимда 5 йил мобайнида ишлаб ўрганди, кейин ўзимизнинг устахонамизни очдик. Зарур барча ускуналаримизни мавжудлиги, устаримизнинг малакаси мизқозларимизни шахарга сарсон қиласиди, ўзимизда хизмат кўрсатишими учун имкон етарили. Шунингдек, ҳолимиздан шаклоблок ҳам кумаймиз. Бу ерда 6 одам меҳнат қиласиди. Жами 11 киши иш билан таъминланган. Кун илиши билан ишимиши қайнайди. Қурилиш масумиши бошланishi билан ҳамқишилоқларимиздан буюртмалар тушаверади. Ўтган ёз мавсумидаги ҳатто қўшни қишлоқларнинг буюртмаларини ҳам тайёрлаб бердик. Бир кунда 1,5

минг дона шлакоблок қўйдик. Ишимиши давлатдан бирон бир насиya олмасдан бошлаганимиз, ер ажратиша, ишимиши янада кенгайтириш ниятидамиш.

\*\*\*

Хонариқ қишлоғига бундан ташқари "Ханариқ нан" белгиси билан истеъмолчиларга туманда анча танилиб улгурган маҳсулотлар ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Қишлоқ аҳолиси нафақат таъмирилаш, курилиш материалларини тайёрлаш, сут маҳсулотларини қайта ишлаш, балки, қандолатчилик соҳасида ҳам илғор эканлигини аллақачон ишботлаб улгурди.

Самад Аҳмаджонов ўтган ийли даставал новвойхона очди. Кейин эса нон маҳсулотларининг турларини кўйлайтириди. Ҳозирги кунда 18 ҳонон маҳсулотларни ҳамда турли пишириклар ишлаб чиқиладиган цехда 8 нафар киши меҳнат қиласиди. Маҳсулотлар кўшини Тасарик, Онтустик, Кўксаёйқ қишлоқларидаги дўконларга ҳам етказиб берилти.

– Нонимиз 8 хил маҳсус зиравор ќўшимчалар билан тайёрланади, – дейди С. Аҳмаджонов. – Андиконлик новвой

таётган ишбилармон яқинда Чехиядан 105 бош зотдор сигир олиб келган.

– Ўзимизда сўнги йилларда зотдор сигирларимиз қолмаганилиги ва бунга эҳтиёж тугилганилиги боис, Чехиядан Симментал зотлиги сигирларни олиб келдик. Сигирларимиз бир кечакундузда 28 литргача сут беради. Келгуси ийли яна 200 бош сигир олиб келиши режалаштирилмиз. Умуман олганда фермамиз жами 400 бош сигирга мўлжалланган. Айни пайтда бу ерда 200 бош мол бўрдоқиламоқда. Бизда соғифаётган сут йилга 1500 тоннани ташкил этилоқда. Фермамизда қарийб 15 киши меҳнат қиласиди. Сут учун субсидия ажратилади. Келгуси йилда яна сигирлар олиб келиши режалаштирилмиз, – дейди Ж. Зоиров.

**Қорамурт қишлоқ округининг ҳоқими Ҳаммирён Ҳажиевни сұхбатга чорладик:**

– Қишлоғимиз ишбилармонлари кўллаб-қувватланмоқда. "Қишлоқ омонати" дастури асосида анча ишлар амалга оширилётганидан хабарингиз бор. "Жас Агро" қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарни ширкати ташкил этилди. Ҳужжатларни топшириб, 29 млн. тенге маблаг олишишмоқда. Унга айни дамда 60дан зиёд фуқаро рўйхатга киришини ниятилган. Сабаби – улар ҳам сут йўналишида фаолият юритишлари учун 2,5 фоизли насия оширади, – деди М. Нажиев.

Таъқидлаш жоизки, Сайрам тумани



дан ўрганиб, "Андикон нони"ни ёпляпмиз. Микозларимиз мумнун.

Тасарик қишлоқ орқига тадбиркорликни ривожлантириш борасида катор ишлар амалга оширилмоқда. Ҳусусий тадбиркорлик очиб, меҳнат қиласидан ишлари билан танишидик. Бундан ташқари, қишлоқда томчилатиб сурориши успубуни кўллаб, иссиқхоналар очган, кулупнан гувоҳи бўлдик. Ҳатто мегаполисда кам учрайдиган ускуналар билан жиҳозланган манкент шила" клиникаси аҳолига 2 йилдан бўён сифатли хизмат кўрсатиб келаётган экан. Ҳарийб 20 йиллик тажрибага эга шифокорлик 34 минг аҳоли истиқомат қиласидан. Қишлоқ омонати" дастури доирасида анчагина ишлар амалга оширилди.

\*\*\*



Ийл бошидан бўён Туркестон вилояти қишлоқ хўжалиги соҳасида 308 млрд. тенгелик маҳсулотни етишилтирилди. Бу борада сайрамлик хўжаликларининг улушки салмоқли. Аҳолига гўшт ва сут маҳсулотларини етказиб беришда етакчилик килимокда.

Шулар каторида корамуртликларининг ҳам улушки анча. Қорамурт қишлоғи Низомобод даҳасида Жасур Зоиров бошигаётган "Бажар Агро" чорва хўжалиги шулар жумладидан. 2009 ийли барпо этилган ферманинг асосий йўналиши сут етишириш. 10 йилдан зиёд вақт мобайнида ушбу йўналишида фаолият юриси килимокда. Ҳориждан келтирилган маҳсус тиббий ускуналарда ҳатто вилоят марказидан келиб, бизда тиббий мулажаларни қабул қиласиди. Клиникада 95 киши меҳнат қиласиди. Ҳориждан келтирилган маҳсус тиббий ускуналарда манкент шила" клиникаси аҳолига 2 йилдан бўён сифатли хизмат кўрсатиб келаётган экан. Ҳарийб 20 йиллик тажрибага эга шифокорлик 34 минг аҳоли истиқомат қиласидан. Қишлоқ омонати" дастури доирасида анчагина ишлар амалга оширилди.

Соглини сақлаш тизимида барака берадиган мекнат қиласидан фидойиларимиз ишларига рivox тилаган ҳолда, кўтаринки кайфиятда туманларда, олис яқин қишлоқларда "олма пиш, оғзимга туш" килимокда.

Таъке хон шохжӯчаси, 6-йи, 3-қават.

Газетадан 2020 йилдан 21 апрелга рўйхатга олини.

Газетадан 2020